

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг таркибий бўлинмаларига
2025-йил 4-чорак давомида жисмоний ва юридик шахслар вакилларида
келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида
ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ**

2025-йил 4-чорак давомида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг марказий аппарати (кейинги ўринларда – Агентлик марказий аппарати), Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти, Агрокимёвий таҳлил маркази ва “Биосифат” республика маркази (кейинги ўринларда – тизим ташкилотлари)да жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қбул қилиш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари таҳлил қилинди.

Агентлик марказий аппаратида келиб тушган мурожаатлар таҳлили:

Агентлик марказий аппаратида 2025-йил 4-чорак давомида жисмоний ва юридик шахслардан жами **32 та** мурожаат келиб тушган бўлиб, 2024-йилнинг шу даврига нисбатан **15,8 фоизга камайган**.

Шундан, **26 таси** бевосита (ёзма, оғзаки, электрон) ва **6 таси** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган.

Мурожаат шаклига кўра **2 таси** ёзма, **27 таси** электрон ва **3 таси** оғзаки келиб тушган.

Мурожаат турига кўра **27 та** ариза ва **5 та** шикоят келиб тушган.

Келиб тушган мурожаатларнинг **4 таси** жисмоний шахслардан, **28 таси** юридик шахслардан тушган.

Кўриб чиқилган мурожаатларнинг **17 таси** (53,1 фоиз) қаноатлантирилган, **8 таси** (25 фоиз) бўйича тушунтириш берилган, **1 таси** (3,1 фоиз) рад этилган, **6 таси** (18,8 фоиз) тегишлилиги бўйича йўналтирилган.

Энг кўп мурожаатлар масалалар жиҳатидан инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш (3 та), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти (12 та), ташқи карантин (3 та), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг импорти (5 та), ўсимликлар карантини ва ҳимояси назорати (3 та), ишларни бошқариш (1 та), пестицидлар ва кимёлаштириш воситаларини рўйхатга олиш,

назорат қилиш (1 та), зарарсизлантириш (фумигация) (1 та), марказий фитосанитария лабораторияси (1 та), бошқа (2 та) масалаларига тўғри келган.

Агентлик раҳбарияти томонидан 2025-йил 4-чорак давомида ҳудудларда жами **1 маротаба** сайёр қабуллар ўтказилиб, 27 та тадбиркорлик субъектлари қатнашди. Сайёр қабул давомида 3 та мурожаат назоратга олиниб, 1 таси тегишлилиги бўйича йўналтирилган, 1 таси ижобий ҳал этилган ва 1 тасига тушунтириш берилган.

Келиб тушган мурожаатлар амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ равишда рўйхатдан ўтказилган, масъул ижрочиларга йўналтирилган ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, натижаси бўйича мурожаат муаллифларига ёзма равишда жавоб хатлари юборилган.

Ҳудудий бошқармаларга 2025-йил 4-чорак давомида жами **58 та** мурожаат келиб тушган.

Мурожаат шаклига кўра **12 таси** ёзма, **41 таси** электрон ва **5 таси** оғзаки келиб тушган.

Мурожаат турига кўра **41 та** ариза, **7 та** таклиф ва **10 та** шикоят келиб тушган.

Келиб тушган мурожаатларнинг **28 таси** жисмоний шахслардан, **30 таси** юридик шахслардан тушган.

Кўриб чиқилган мурожаатларнинг **15 таси** қаноатлантирилган, **28 таси** бўйича тушунтириш берилган, **4 таси** кўриб чиқиш тугатилган, **11 таси** тегишлилиги бўйича йўналтирилган.

Энг кўп мурожаатлар масалалар жиҳатидан инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш (3 та), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти (2 та), молия-иқтисод ва бухгалтерия (5 та), ташқи карантин (15 та), ўсимликлар карантини ва ҳимояси назорати (10 та), зарарсизлантириш (фумигация) (1 та), чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш (40 та), бошқа (23 та) масалаларига тўғри келган.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини жойида кўриб чиқиш ва ҳал этиш мақсадида ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари томонидан туман (шаҳар)ларда 2025-йил 1-ярим йиллик давомида жами **46 маротаба** сайёр қабуллар ташкил этилган, улларда **1 015** нафар тадбиркорлар иштирок этган. Бунда, **208 та** мурожаатлар жойида ҳал этилган.